



Constitutional and legal status of the Committee of Constitutional Supervision of the Republic of Karakalpakstan

Aytgul KURBANBAEVA¹

Karakalpak State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2023

Received in revised form

15 September 2023

Accepted 25 October 2023

Available online

15 December 2023

Keywords:

Constitutional Court,
Constitutional Supervision
Committee,
constitutional laws,
by-laws,
compliance with laws,
regulatory documents,
government regulations.

ABSTRACT

The article discusses the constitutional and legal foundations of the Constitutional Supervision Committee of the Republic of Karakalpakstan, the procedure for organizing its powers and activities, authorized bodies that have the right to submit issues for consideration to the committee, as well as the procedure for electing members of the Committee.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss9/S-pp200-204>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Қорақалпоғистон республикаси конституциявий назорат қўмитасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Конституциявий суд,
Конституциявий назорат
қўмитаси,
конституциявий
қонунлар,
қонуности ҳужжатлари,
қонунларга мувофиқлик,
норматив-ҳуқуқий
ҳужжат,
ҳукумат қарорлари.

Мазкур мақолада Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг конституциявий ҳуқуқий асослари, унинг ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби, қўмидада кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга ваколатли органлар, Конституциявий назорат қўмитаси аъзоларини сайлаш тартиби кўриб чиқилган.

¹ Karakalpak State University. Nukus, Uzbekistan. E-mail: kurbanbaeva.aytgul@mail.ru

Конституционно-правовой статус Комитета конституционного надзора Республики Каракалпакстан

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Конституционный Суд, Комитет конституционного надзора, конституционные законы, подзаконные акты, соблюдение законов, нормативно-правовые документы, постановления правительства.

В статье рассматриваются конституционно-правовые основы Комитета конституционного надзора Республики Каракалпакстан, порядок организации его полномочий и деятельности, уполномоченные органы, имеющие право вносить вопросы на рассмотрение в Комитет, а также порядок избрания членов Комитета.

Ислохотлар қайси соҳада бўлмасин кўп қиррали ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳамда олиб борилаётган ислохотларнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан мукамал ҳуқуқий базанинг яратилганлигига боғлиқдир.

Шу боис, мамлакатимизнинг мустақил равишда ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ривожланиши учун ҳуқуқий пойдевори яратилиб, давлатнинг моҳияти ва мақсадини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси шаклланди.

Қонунчилик бу давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат ташкилотларининг, шунингдек фуқароларнинг фаолиятидаги асосий принципларидан биридир. Зеро, қонунчилик ва тартиб ўрнатилган шароитда ҳуқуқни амалга ошириш жамиятдаги ҳуқуқ-тартиботни таъминлаб беради.

Қонунчилик кенг маънода қонунчилик фаолияти билан шуғулланувчи орган томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар, шунингдек, қонуности ҳужжатлари мажмуи, тор маънода эса, фақат қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг йиғиндисидир [1].

Ўзбекистонда истиқлол йилларида янги қонунчилик тизимини яратиш бир неча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

биринчи йўналиш: давлат қурилишининг ҳуқуқий асосларини яратиш;

иккинчи йўналиш: янги иқтисодий муносабатлар ва энг аввало мулкӣ муносабатлар ҳамда эркин тадбиркорлик фаолияти учун асос яратувчи бозор қонунчилиги тизимини шакллантириш;

учинчи йўналиш: инсоннинг конституциявий ва юридик ҳуқуқларини, аҳолини ижтимоий кафолатлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминловчи қонунчиликни яратиш;

тўртинчи йўналиш: миллий ўзликни сақлаш, тил, таълим ва маданий меросни сақлашга қаратилган зарур қонунчилик;

бешинчи йўналиш: Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектлигини белгиловчи ҳуқуқий асосни яратиш [2].

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида *“Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.*

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади” [3], деб мустаҳкамланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси устунлигини сўзсиз тан олади. Бу Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва моддаларига мос тушишида намоён бўлади. Шу асосда юқоридаги бешта йўналишни Қорақалпоғистон Республикасида янги қонунчилик тизимини яратишдаги муҳим йўналишлар деб кўрсатиб ўтиш мумкин. Қорақалпоғистон қонунчилиги иерархияси қуйидагича: Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциялари; конституциявий қонунлар, қонунлар (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қабул қилинган); Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинган); маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Бу ерда чиқарилаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари Конституцияга мослиги талаб этилади. Бунинг устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси таъминлайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари муносабатини тўғри таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди муҳим роль ўйнайди. Конституциявий суднинг вазифаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 133-моддаси 4-бандида: “Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради” [4], деб қайд қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасида эса “Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормаларига ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас” [5]лиги кўрсатилган. Ушбу конституциявий нормага асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган давлат ҳокимият органлари томонидан амал қилишни Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси томонидан назорат қилиниши белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикасининг “Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, “Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти органларининг қонунчилик ҳужжатларининг Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини назорат қилувчи давлат органи” [6], деб кўрсатилган.

Конституциявий назорат қўмитасининг ваколатлари:

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси топшириғи билан унга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде кўриб чиқишга тақдим қилинаётган Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатларининг камида бешдан бирининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг таклифи билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосани Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдим этади;

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг топшириғига биноан, унга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиуми қарорларининг ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес Раиси фармойишларининг Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳамда қонунларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосасини тақдим этади;

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг топшириғи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатларининг камида бешдан бирининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг таклифлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарор ва фармойишларининг Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳамда қонунларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосасини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдим этади.

Конституциявий назорат қўмитаси ўз ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси қонун чиқарувчи органининг ва ҳукуматининг қонунчилик ҳужжатларини, маҳаллий ҳокимият органларининг қарорларини Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосасини тақдим этишга ҳақлидир.

Шунингдек, Конституциявий назорат қўмитаси ўз ваколатларини амалга ошириш борасида судларнинг ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ваколатларига кирувчи масалаларини кўриб чиқмайди.

Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, қуйидагилар Конституциявий назорат қўмитасида кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга:

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси;
– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиуми;
– Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши;
– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатларининг камида бешдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи;

– Конституциявий назорат қўмитасининг камида иккита аъзосининг ташаббуси билан Конституциявий назорат қўмитаси кўриб чиқиши учун масалалар киритиш мумкин.

Агар юридик ёки жисмоний шахслар қонунчилик ҳужжатларининг Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқ эмаслигини аниқласа, улар бу масалани Конституциявий назорат қўмитасига тақдим этиш ваколатига эга органга киритади.

Айрим топшириқлар, фикр ва мулоҳазалар Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси ваколатига мувофиқ келмаса, уларни қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

Конституциявий назорат қўмитаси раиси ва унинг ўринбосари ва уч аъзоси сиёсат ва ҳуқуқ соҳасининг мутахассислари орасидан, юксак маънавий фазилатга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий назорат қўмитаси аъзоси бўлиб сайланиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Конституциявий назорат қўмитаси Конституция ва қонун устуворлигини таъминловчи ҳокимият органи ҳисобланиб, “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотларни кенг жорий қилишда Конституциявий назорат органларининг ўрни ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ливишиц Р.З. Теория права. – М., 2001. – С. 111.
2. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. / Отв. ред. В.А. Туманов. – Ташкент: Адолат, 1999. – С. 467-471.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон” 2023.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон” 2023. -Б.69.
5. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. Нукус. “Qaraqalpaqstan”, 2021. – Б.8.
6. Қорақалпоғистон Республикасининг “Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисида”ги Қонуни 2021 йил 12 июнь, 130/XVIII-сон.